



20 14 yil " 1 " avgust

5-379 - sonli

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-3161-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларида ва йиғилишларда, шу жумладан минтақаларга қилган ташрифларида берган топшириқ ва кўрсатмаларини қатъий бажаришни ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-3161-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, юридик хизмат, вилоятдаги мутасадди ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонининг регламенти талабларига сўзсиз риоя қилинишини таъминласин, бунда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларида ва йиғилишларда, шу жумладан минтақаларга қилган ташрифларида берган топшириқ ва кўрсатмаларини қатъий бажаришга алоҳида эътибор қаратсин.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли ижро қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларни пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин, бунда ҳисоб-китобларнинг ҳар томонлама асослантирилгани, молия манбаларининг ва прогноз натижаларга эришишнинг ҳаққонийлиги назарда тутилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг регламентида белгилаб берилган талаблар асосида ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов